Ушбу сонда:
2 ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ – меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 Маънавият сарчашмалари «АВЕСТО» БАҒРИКЕНГЛИК ҲАҚИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 май, чоршанба №79 (1093)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА МАДАД

Хоразм вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси таркибида бугунги кунда 407 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатиб келади. Уларда 188 минг нафар аъзо бор.

Қабул қилинган жамоа шартномасига асосан айниқса, боқувчисини йўқотган оилалар, ёшликдан ногирон, етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор кучайтирилди. Жумладан, шундай оилаларга касаба уюшма қўмиталари ва хўжаликлар томонидан бултур 34 миллион 133 минг сўм пул берилиши таъминланди. Бундан ташқари меҳрибонлик уйига 32 минг сўм, саломатлик марказига 30 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бундай мурувват,ёрдами «Оналар ва болалар» йилида ҳам давом эттирилмоқда.

Ёш авлод онгига миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда «Алла» ижрочилари кўрик-танлови ташкил қилинди. Голиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Қўмита тасарруфидаги ташкилот, хўжаликларда маънавият хоналари ишлаб турибди. Бу жойларда суҳбатлар ўтказиш йўлга қўйилмоқда. Табиат ва меҳнат муҳофазаси, «Гиёҳвандлик — аср вабоси» каби мавзудаги саволжавобларнинг фойдаси катта бўлмоқда.

Тармоқда спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят касаба уюшма кенгашининг ўтган йилги спартакиадасида соҳа спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Республикада ўтказилган оилавий спортчилар якуний мусобақаларда эса учинчи ўринни эгалладилар.

Касаба уюшма ҳаёти

Бундан ташқари Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг стипендиясини ташкил қилдик. Унинг миқдори ойига 8 минг сўм қилиб белгиланди. Бунга биринчи бўлиб М.Вафаев номидаги Урганч Гидромелиорация техникумининг талабаси Сайёра Полванова мушарраф бўлди. Хива «Агробизнес» коллежидан эса Севара Озодовага берилди.

Ўтган йил мобайнида санаторийларда 414, профилакторийларда эса 623 нафар киши дам олдирилди ва соғломлаштирилди. Ёз мавсумида меҳнаткашларнинг 19 минг 838 фарзанди дам олдирилди. Айни чоғда мавжуд 24 та оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу йил Гурлан туманидаги Иброҳим Холматов номли ширкат хўжалигида 300 ўринга эга замонавий оромгоҳни ишга тушириш режалаштирилган.

Жамоа шартномалари, келишув ва битимлар тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Янгиариқ туманида бу масалага бағишланган амалий семинар-кенгаш ўтказилиб унда барча туманлар касаба уюшма қўмиталари вакиллари иштирок этдилар.

Ойлик маошдан мавжуд қарздорликни камайтириш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, бу муаммонинг сабаблари ўрганиб чиқилиб, айрим хўжаликлар раҳбарлари фаолиятига муносиб баҳо берилмоқда. Урганч туман қўмитаси томонидан Охунбобоев, Сотим Қаландаров, Жалолиддин Мангуберди номли, «Пахтакор» каби қатор ширкат хўжаликлар раҳбарлари меҳнаткашлар иш ҳақларини вақтида тўламай келаётганликлари боис, тегишли хужатлар прокуратурага оширилди.

К.РАҲИМОВ,
Хоразм вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ХОТИРА-АЗИЗ

Ватан озодлиги, миллат ғурури, халқимиз кадр-қиммати, миллий мерос ва қадимий урф-одатларимизни ҳимоя қилишда ёвуз кучларга карши курашиб курбон бўлганлар хотирасини абадийлаштириш максадида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Қатағон курбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони, куни-кеча матбуотда эълон қилинган «Халқ — қаҳрамон, халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз...» мақоласи барча қатори Сирдарё аҳлини ҳам бехад мамнун этди.

Айниқса, эрк учун курашган фидойилар номини ёд этиш Мустақиллик байрамига уланиб кетиши халқнинг қалбини жунбушга келтирди. Зеро, Ватан, миллат озодлиги учун курашган инсонлар ёди истиқлол билан ҳамиша уйғундир.

Шерқул ҳожи Олтмишев, Мирзаобод туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси:

— Суронли, тахликали даврларни бошдан кечирдик. Ўз тилинг ўз бошингга балоларни олиб келган даврларни ҳам кўрдик. Фақатгина истиқлол тилимизга, динимизга ҳатто турмушимизга эркинлик берди. Ота-боболаримизни эслаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш имконини яратди.

Юртимизда аждодлар хотирасини абадийлаштириш анъанага айланиб қолди. Ўтган йил пойтахтимизда шаҳидлар хиёбони, вилоятларда хотира майдонларининг барпо этилиши минглаб ташна дилларни тўлқинлантирган бўлса, бу Фармон улар ёдини келажак авлодлар қалбига мангу мухрлайди. Биз кекса авлод кўрдик: фарзанддан тонган отани, отадан тонган фарзандларни. Бошқа чора ҳам йўқ эди. Дардинг ичингда қолади. Юртимизнинг асл фарзандлари, қанчадан-қанча бегуноҳ йигитларимиз шаҳид кетди. Улар номини тилга олишнинг ўзиям хатар туғдирарди бир пайтлар. Бу кунларга шукр қилмай бўладими? Айниқса, куни-кеча матбуотда эълон қилинган Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини ўқиб, кўзларимга ёш келди: «Қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожиали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?!» Йўлбошчимиз ноҳақлик қурбони бўлиб руҳлари чирқираган ота-боболаримизни ёд этиб, руҳларини шод айлаётган экан, илло бу юртда адолат тантана қилиб, келажаги буюк бўлгай.

Набижон Тўраев, Гулистон шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси:

— Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Юртбошимизнинг шу мазмундаги сўзларини ўқиб жуда севиндим. Ҳақсизлик қурбони бўлган элдошларимизнинг руҳини шод этаётганлари икки дунё савобига тенгдир.

Қатағон қурбонларини ёд этиш куни август ойининг сўнгги кунларига белгиланишида рамзий маъно бор. Негаки, биз бугунги дориломон кунларга тўғридан-тўғри эришмадик. Бу йўлда кўплаб қурбонлар берилди. Байрам олдидан уларни ёдлаш, шаҳидлар майдонида бўлиш ҳар биримизни хушёрликка ундаши керак.

Хайринисо Халилова, ўқитувчи:

— Қатағон дегани миллатимиз, маънавиятимиз гулшанига тушган офат эди. У қанчадан-қанча ҳақсевар, миллатпарвар, бегуноҳ боболаримизни ўз комига тортди. Бу сиймоларнинг фожиали қисмати, матонати, унутилмас хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди. Бугунги ёшларни авлодларимиз бошидан ўтказган қора кунлар билан яқинроқ таништириш бурчимиз. Ахир улар Эрк ва Озодлик, юрт қадрига етиши учун боболари босиб ўтган йўлни чуқур англаши лозим.

БОЛАЛАР ЁЗИ

Элликкалъа туманидаги Акчикўл сохилида жойлашган «Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш маркази Оролбўйи болаларини кутмоқда.

- Мамлакат мустақиллиги билан тенгдош масканимизда бу йил 2 минг 500 нафар бола дам олади, - дейди марказ бошлиғи Қ.Қаландаров. - Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан келадиган ўғил-қизларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. 2 қаватли 3 та ётоқхона, ошхона, ҳаммом, маданий хизмат мажмуи, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари сифатли таъмирланди.

Бу йил Оролбўйи болалари ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказишлари учун ҳар қачонгидан яхши тайёргарлик кўрилди. Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари кенгаши бўлим мудири Қ.Қадиримбетовнинг таъкидлашича, экологик нохуш вазият, қурғоқчилик юз берган ҳозирги мураккаб шароитда оромгоҳларга ўғил-қизларни кўпроқ жалб этиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг баъзи вилоятларидаги сўлим масканларда бу йил олдин кўзда тутилганидек 2,5 минг эмас, камида 10 минг бола дам олади. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, қатор корхона ва ташкилотлар амалий кўмак беради.

Шунингдек, Қорақалпоғистондаги 24 оромгоҳда 7 мингдан зиёд, санатория типидаги 2 та лагерда салкам 2 минг ва 12 та кундузги оромгоҳларда минг нафар ўқувчи дам олади.

(ЎзА).

Асака туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалигида бош чўпон Ғофур Ҳасанов номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзига хос тажриба мактабини яратди. Яқинда моҳир чорвадор ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Меҳнатдаги муваффақиятлари учун у «Тико» автомобили билан мукофотланди.

Суратларда: 1.Чорвадор Ғ. Ҳасанов. 2. Фарғоналик уста кулол А. Маъмуров.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) ва М. ҚОДИРОВ олган суратлар.

ДАШНОБОД ХОНАТЛАСИ

Ҳар қандай жойни эл-юртга унинг меҳнаткаш, меҳмондўст одамлари, сўлим табиати, ширин-шакар мевали боғлари-ю, ҳосилдор тупроғи танитади. Дашнобод анорининг ёнига энди унинг хонатласи ҳам қўшилди.

Гап шундаки, бу ерда Марғилон атласидан қолишмайдиган хонатлас ишлаб чиқарилмоқда. Қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланиб келган «Шалола» фирмаси рахбари А.Қурбонов тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, хонатлас тўқийдиган корхона очишга қарор қилди.

Тадбиркор Марғилондан 20 та тўқув дастгоҳи келтириб ўрнатди. Тўрт нафар марғилонлик устани ҳам бу ишга жалб этишди. Усталар бир неча ой 18 нафар қизга дастгоҳ юритиш, атлас тўқиш сирларини ўргатди. Хом ашё Сариосиё туманининг ўзидан топилди. Қисқа вақтда 800 минг сўмлик сифатли, бозордагидан бирмунча арзон харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Дашнободликлар А.Қурбоновни саховатли инсон сифатида ҳам ҳурмат қилади. У ўз маҳалласидаги кам таъминланган оилалар ва ногиронларга кўмаклашиб турибди. Тадбиркор хонатлас ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва маҳалладошларини иш билан таъминлаш ниятини амалга ошириш учун янги режалар билан яшамоқда.

ЕР ОСТИ СИЛКИНИШИ

22 май куни маҳаллий вақт билан соат 14 дан 16 дақиқа ўтганда «Тошкент» сейсмик станциясида ер силкиниши қайд этилди. Зилзила маркази Тошкентдан 510 километр узоқликда, Тожикистон ва Афғонистон чегарасидаги Ҳиндиқуш тоғларида жойлашган.

Зилзила марказида силкиниш кучи Рихтер шакаласи бўйича 6,5 баллга тенг бўлди. Душанба шаҳрида ер силкиниши 3-4 баллни, Тошкентда эса 1-2 баллни ташкил этди.

(ЎзА).

СУД ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Суд тизими кишилик жамиятида давлатнинг бунёдга келиши билан чамбарчас боғликдир. У ижтимоий келишмовчиликлар, низолар, тажовузларга барҳам бериш ва адолат ўрнатиш учун хизмат қиладиган ҳокимият тармоғидан иборат.

Газетхон илтимосига кўра

Жамиятни бошқариш учун давлатнинг юзага келиши, унда суд фаолиятига бўлган эҳтиёж ҳам адолат ғояларининг маҳсули ҳисобланади. Биринчи марта давлат қачон ва қайси ҳудудда юзага келгани ҳақида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқлигидек, суд тизими ҳам дастлаб қачон ва қаерда шаклланганлиги маълум эмас. Жамиятни бошқаришга оид барча зарур ишларни дастлабки даврларда жамоага сардор, саркарда бўлган, катта обрў-эътибор қозонган, тажрибали шахслар бевосита ўзлари бажарганлар. Кейинроқ эса жамият аъзоларининг ўртасида юз берадиган низо ва тўқнашувларни бартараф этиш, ҳақ кишиларни ҳимоялаш, ноҳақларга таъсирий чоралар кўриш вазифаларини алоҳида лавозимли ҳакамлар зиммасига юклаганлар, деб ҳисоблаш учун мантиқан асос бор.

Давлат бошқарувининг турли соҳалари ихтисослаша борган сари суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи махсус идоралар фаолият кўрсата бошлаган. Улар қанчалик одилона ва ҳозиржавоблик билан ишласалар, жамият аъзоларининг ички тинч-тотувлиги, ҳамжиҳатлиги шунчалик мустаҳкам бўлган. Зеро, адолат жамиятнинг пойдевори бўлиб, иқтисодий-ижтимоий фаровонликни таъминлашда муҳим омилдир. Фемида, Немесида, Маат ва Сулаймон пайғамбар тўғрисидаги тарихий афсоналарда адолат туйғулари ўз ифодасини топган.

Кишилик жамияти ҳар жиҳатдан адолатга интилади. Жумладан, давлат ҳокимиятининг ўзи ҳам, у чиқарган қонун-қоидалар, ўрнатган тартиблар ҳам одилона бўлмоғи шарт. Қонунларнинг ижроси, жамиятдаги нохуш ҳолларга, нифоқларга барҳам бериш ҳам адолат тамойилларига суянган бўлиши лозим.

Шу борада соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг «Қуч адолатдадур» деган чақириғи бежиз эмас. Мамлакатимизда, умуман, шарқда адолатпарварликка, ҳуқуқшуносликка азалдан алоҳида эътибор берилган. Айнан юртимизда мусулмон ҳуқуқи — фиқҳ энг юқори даражада қадрланиб келган. Имом Бухорий, Ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби ўнлаб оламшумул фиқҳшунос алломаларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Ҳадислардан бирида «адлу соатин хойрун мин ибодати санатин» (яъни «бир соатлик адолат, бир йиллик ибодатдан афзал»), дейилади. Адолатнинг қудратига тан бериш умумбашарий мазмунга эга. У синфий, табақавий бўлолмайди. Масалан, XVI аср олмон императори Фердинанд I «Гарчи дунё остин-устун бўлса-да, адолат ғалаба қилсин!» - деган экан.

Барча ривожланган мамлакатларда адолатнинг мунтазам салоҳиятини таъминлаш учун суд тизими яратилган. Ҳозир амалда бўлган 140 дан зиёд давлатларнинг конституцияларида суд тизими ва унинг фаолиятига алоҳида ўрин берилади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясидаги 106-116-моддалар махсус бобга ажратилиб, суд тизимининг асосларига бағишланган. Бу моддалар мавжуд тизимнинг қуйидаги туб принципларини белгилайди:

1. Суд ҳокимияти мустақил, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоа бирлашмаларига тобе эмас (106-модда). Кези келганда суд ана шу ҳокимиятларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига адолат нуқтаи назаридан баҳо бериши, ҳатто уларни адолатсиз деб топиши мумкин. Суд ҳокимияти чиқарган ҳукм ва қарорлар барча учун мажбурийдир (114-модда). Уларни ҳеч бир давлат органи, ҳатто давлат бошлиғи ҳам бекор қилишга ҳақли эмас. Қисқаси, «суддан юқори фақат Аллоҳдир» мазмунидаги қоида барча ривожланган мамлакатларга хосдир.

2. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди (112-модда). Судья ҳеч бир давлат органи ёхуд мансабдор шахсга ўз хизмат фаолияти юзасидан расман ҳисобот беришга мажбур эмас, фақат ўз виждони олдида жавобгардир. Судьянинг ижтимоий мавқеи шу қадар юксак бўлмоғи лозим.

3. Одил судловни фақат Конституцияда кўрсатилган судлар амалга оширадилар. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди (107-модда). Ҳеч қандай важ ва ҳолатни баҳона қилиб, судлов фаолиятини бошқа давлат идораларига ёхуд жамоат бирлашмаларига топшириш мумкин эмас. Жамият аъзолари, турли ижтимоий гуруҳлар, юридик шахслар, корхона ва муассасалар ўртасида юз берадиган низоларга, келишмовчиликларга, турли даражадаги ҳуқуқбузарликларга баҳо бериш ва ижтимоий таъсир кўрсатиш учун махсус маъмурий идоралар тузилиши табиий. Лекин бу идоралларнинг ҳам қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи ва имкониятлари барчага таъминланиши лозим. Пировардида барча низоли ҳолатларни ҳал этиш вазифаси фақат судга юкланган, суднинг монополиясидир. Суднинг таъсир доирасидан ҳеч кимса четда қолмаслиги керак.

4. Судларда барча ишлар очиқ кўрилади. Ёпиқ суд мажлислари фақат қонунда белгиланган, мустасно ҳолларда ўтказилиши мумкин (113-модда). Айни вақтда суд бир ишни намунавий мажлисда кўриши, иккинчисини эса кам аҳамиятли деб ҳисоблаб, «ҳужрада» муҳокама қилиши мумкин эмас. Суд мажлисларида барча хоҳловчилар, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишига етарли шароитлар яратилиб, ошкоралик тамойилига риоя қилиниши шарт.

5. Суд ишларини юритиш республика бўйича ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд иштирокчилари таржимон хизматидан бепул фойдаланишлари таъминланади (115-модда).

6. Тергов ва суд ишини юритиш чоғида айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқидан, барча иштирокчилар эса малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар (116-модда).

(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ — меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи

Ер — ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун шарт-шароитларни яратиб беради. Шу сабабли республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбек деҳқонини садоқатда ягона, деб бежиз таърифлашмайди. Унинг меҳнати эъзозланса, моддий манфаатдорлик таъминланса, хайрли ҳаракатлари қўллаб-қувватланса ноз-неъмат бунёдкори ўзини аямай ишлайди. Буни ўз ерининг ҳақиқий хўжайинлари, Тошкент вилояти фермерлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕРЛАР

Мулк эгасини топганлиги, омилкорлик бунга имкон берди

Улар ўзларига яратиб берилган имкониятдан унумли фойдаланишмоқда. Масалан, Қуйи Чирчиқ тумани бўйича ўтган йили ҳар гектардан 20,8 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, фермер хўжаликларида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 28 центнерни ташкил этди. Пискентлик фермерлар эса йилни 155 миллион 563 минг сўм фойда билан якунладилар. Истеъмол бозорини тўкин-сочин этишда уларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш хусусидаги Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари уларга кенг имкониятлар эшигини очди. Сўнгги бир йил ичида вилоятда янгитдан 831 та фермер хўжалиги тузилиб, шунинг ҳисобидан 6 мингга яқин киши иш билан таъминланди. Ерни, техникани катта бойлик деб тушунган омилкор кишилар ғаллачиликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Вилоят бўйича фермер хўжаликлари ихтиёрида 60 минг гектар ер бўлиб, шундан 12660 гектарига ғалла экилган. Эътиборлиси шуки, тадбиркорлар садоқатларини амалда намойиш этиб, ҳосилдорликни 10-15 центнерга кўтаришга эришдилар. Ҳозирда 40-50 центнердан хирмон кўтараётган ғаллакор фермерлар кўплаб топилади. Ўрта Чирчиқ туманидаги «Нишон», Паркентдаги «Наврўз», Бўкадан «Камолот», Янгийўл туманидан «Уфқ» каби шахсий хўжаликлар мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришда намуна бўлишмоқда. Тадбиркор бойиса, кўпга нафи тегади. Масалан, кўпдан-кўп мактаблар, меҳрибонлик уйлари, касалхоналарга фермерлар беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда. Савобли ишлар учун ажратилаётган маблағлар ҳажми ортмоқда.

Бозор талаби қатъий. Боқимандалик кайфиятидан дадил халос бўлиб, яратувчилик меҳнатига маҳкам бел боғлаганлар ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришяпти. Уйлар, корхоналар, қайта ишлаш цехлари қуришмоқда. Бу билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин этишга муносиб ҳисса қўшишяпти.

Қаҳҳор ҚУРБОНОВ, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилояти вакиллигининг раҳбари.

ХОНАДОНДА «ОЙНАВАНД ДАЛА»

Ундан олинган даромад тўйларга, уй қуришга сарфланмоқда

Биз — деҳқонлар етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида ерга зор бўлиб яшадик. Яхши эслайман, тўрт оила бир ховлида қийналиб умргузаронлик қилдик. Алоҳида уй-жойли бўлиш ҳар биримизнинг орзуйимиз эди. Не бахтки, бу ниятга мустақиллик шарофати туфайли эришдик.

Президентимиз Фармони шарофати ила бизга уй қуриш, томорқа учун қўшимча ер ажратилди. Фарзандларимни ёнимга олиб, иссиқхона қурдик. Етти пуштимиз миришкор ўтган. Сархил неъмат, гул етиштириш қўлимиздан келарди. Вақт ўтиши билан хонадонимиздаги «Ойнаванд дала» гўзаллик масканига, даромад манбаига айланди. Иссиқхонада йилнинг тўрт фаслида помидор, бодринг, гул, ошқўк ва бошқа неъматлар етиштирилади.

Фарзандларим бўш вақтларини меҳнат билан ўтказишади. Улар одамохун, меҳнатсевар кишилар бўлиб вояга етишяпти. Гул инсон бахри дилини очади, ҳамиша эзгуликка чорлайди. Бир чети ҳалол меҳнат туфайли иссиқхонанинг ўзидан йилига ўрта ҳисобда 350 минг сўм атрофида даромад қиляпмиз. Шунинг ҳисобидан уй қурдик, тўй қилдик. Дастурхонимиз тўкин-сочин. Қўрамиз қўй-қўзига тўла. Уйдан сут-қатиқ аримайди. Мен кекса деҳқон сифатида фармони олий чиқариб, бозор шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаган ҳурматли Президентимизга чин қалбимдан раҳматлар айтаман.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятимиз бўйича 338 минг 245 та деҳқон хўжалиги бор. Улар турли хил неъматлар етиштириб, истеъмол бозорини тўкин-сочин этишга муносиб ҳисса қўшишмоқда. «Томорқа» даромад манбаи бўлаётганлиги учун хонадонларда чорва туёқ сони ҳам кўпайиб боряпти. Масалан, Тошкент вилояти бўйича 1996 йилга нисбатан бу йил қорамоллар сони қарийб 53 минг бошга, сигирлар эса 26,6 минг бошга кўпайди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол, Президент Фармони шарофатидир.

Мирза АБДУВАЛИЕВ, Зангиота туманида истиқомат қилувчи деҳқон хўжалиги аъзоси.

Ўлкамизда пишиқчилик. Ноз-неъмат бунёдкорлари ўзлари етиштирган сархил неъматларни эл дастурхонига тортиқ этишмоқда. Хусусан, паркентлик Сафо ота оила аъзоларининг меҳнати махсули бўлмиш мева ва сабзавот маҳсулотларининг мўл-кўллигидан ҳурсанд. Демак, бу йил даромад ҳар қачонгидан кўп бўлади.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

ернинг умрини зое ўтказишяпти

Фермер бўлиш осонмас. Бу масъулиятли ишга жазм қилган кишилар аввало яхши мутахассис, тажрибали деҳқон, иқтисодчи, ташкилотчи каби қатор фазилатларга эга бўлиши керак. Муаммоларни омилкорлик билан енгиш, қийинчиликлар олдида эсанкирамаслик энг муҳим шартлардандир. Бироқ, бахтга қарши, шундай кишилар борки, улар ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмай, фермерликка интиладилар. Натижада ярим йўлда ишни барбод этиб, ернинг умрини зое ўтказадилар.

Оҳангарон туманидаги «Мирза ота» фермер хўжалиги бунга мисолдир. Унинг раҳбари ўз кучига эмас, кимларнингдир мададига суянмоқчи бўлди. Ҳал қилувчи паллада қаро терга ботиб ишламади, имкониятлардан унумли фойдаланиш қўлидан келмади. 8,5 гектар ғаллазордан деярли ҳосил олинмади. Қорамоллар бош сони ҳам камайтириб юборилди. Ҳуқуқий саводхонлик етишмаган, бозор шароитида ишлашга ўзини тайёрлай олмаган бу «тадбиркор» аттестациядан ўтолмади. Ғалвир сувдан кўтарилганда, у хўжалик бўйича энг паст кўрсаткичга эришганлиги маълум бўлди.

Бундай танқидий фикрларни Чиноз туманидаги «Ёқубжон», Тошкент туманидаги «Пахмиддин», Оҳангарондаги «Мақсад» фермер хўжаликлари аъзолари шаънига ҳам айтиш мумкин. Қарангки, яқинда Тошкент вилояти бўйича ўтказилган аттестациядан кўпдан-кўп тадбиркор ўта олмай, уялиб қолди. Ушбу аттестация якуни бўйича уларнинг фаолияти тўхтатилиб, ерларини қайтариб олишга қарор қилинди.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч»нинг Тошкент вилояти бўйича мухбири.

МАҲСУЛОТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҚАЙТА ИШЛАЙМИЗ

Бу янги иш ўринларини кўпайтирмоқда

Мустақил Ўзбекистонимизда тадбиркорликка кенг ўрин берилган. Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, ўтган йили вилоят фермерларига 551 миллион 700 минг сўмлик кредит ажратилди. Уларнинг муайян қисми чорва йўналишидаги тадбиркорларга фаолиятларини кенгайтириш, техника сотиб олиш, зотли моллар сонини ошириш, янги бинолар қуришда қўл келди. Вилоят бўйича 16 та кооперативлар тузилганлиги айни муддаодир. Уларда 100 га яқин қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. Кооперативлар ёрдамида фермерлар ўз маҳсулотларини четга сотиш имконига эга бўлдилар. Айни пайтда Украина, Белорус ва бошқа мамлакатлардан қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар келтирилди.

Ҳозирги фермер билимдон, ташкилотчи, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши билади. Улар ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаш пайида бўлишяпти. Бу қўшимча даромад, янги иш ўринлари, неъматлар турини кўпайтириш демакдир. Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида ибратли ишга қўл урилган. Бу ерда Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш корхонаси бунёд этилди. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги, арзонлиги билан кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Янгилик шарофати туфайли 50 дан ортиқ киши доимий касб-корга эга бўлди.

Президент Фармони шарофати билан мен ҳам фермер бўлдим. Зотли қорамол парваришлаб, халқимизга, мактаб ва боғчаларга сут ва сут маҳсулотлари етказиб беряпмиз. Насиб қилса, паррандачиликка ҳам қўл урамиз. Келажакда кичик корхона қуриб, ўз маҳсулотимиздан харидоргир истеъмол неъматлари ишлаб чиқарамиз. Хориж билан ҳамкорлик қилиш олдимизга қўйган асосий вазифалардан биридир. Зеро, чет эл инвестициясини жалб қилган тақдирдагина корхонани, хўжаликни давр талаблари даражасида ривожлантириш мумкин.

Акром ОМОНОВ, Янгийўл туманидаги «Пўлатжон» фермер хўжалиги раҳбари.

Фермер бойиса, кўпга нафи тегади. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Рақамларга мурожаат этайлик. Вилоят бўйича 14 ой мобайнида фермерлар томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишиларга қарийб 7 миллион сўмлик неъматлар, кийим-кечаклар тақдим этилди. 4 миллион 600 минг сўмлик хайрия тадбирлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда саховатпеша кишилар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан бунёд этилаётган баъзи иншоотлар қурилишига ҳам баҳоли қудрат маблағ ажратмоқдалар.

«ЗИЁ ОТА» МАКТАБ ҚУРДИ

Шундай бағрикенг, элим деб, юртим деб яшаётган кишилар борки, уларнинг хайрли ишлари, фазилатлари кўпчиликка ибратдир. Тошкент туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги аъзолари шу қишлоқда 150 ўринли мактаб биносини тиклашга кўмаклашди. Шунингдек, «Наврўз» хусусий хўжалик раҳбари Омонпўлат Ризаев ташаббус кўрсатиб, ўрта мактабга 140 ўринли қўшимча бино қуриб берди.

Оҳангарон туманидаги «Зиё ота» фермер хўжалиги раҳбари Шермирза Ризаев ёшлар даврасида кўп бўлади. Уларга ерни эъзозлаш, она Ватанимизга фидойи, садоқатли инсонлар бўлиб вояга етишлари лозимлигини бот-бот уқтиради. Ўғил-қизларга бўлган меҳру муҳаббатининг рамзи сифатида бу ажойиб инсон тоғолди қишлоғида 70 ўринли синф хона қуриб берди. Ҳаёт ана шундай саховатпеша, ҳамиша эзгуликка интилиб яшайдиган инсонлар билан гўзалдир.

Содиқ ДЕҲҚОНОВ, фермер.

Истиқлол берган имкон

НАМАНГАНДАГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Мустақиллик туфайли Наманган вилоятида ҳам хорижий фирмалар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда 77 та қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Уларнинг самарали ишлашлари туфайли экспорт ҳажми ортиб бораётир.

Шулардан бири «Намангансут» акциядорлик жамияти қошида ташкил топган Ўзбекистон-Швейцария «Нестле» қўшма корхонасидир. Корхона фаолият кўрсатаётганига кўп вақт бўлмаганига қарамай, бу ерда ўнлаб турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Унинг барча туманларда қабул қилиш пунктлари ишлаб турибди. Хом ашёнинг ўз вақтида етказиб берилаётганлиги корхонанинг бир меъёрда ишлашини, шартнома асосида истеъмолчиларга тайёр маҳсулот жўнатиш имконини яратмоқда.

Оналар ва болалар йили муносабати билан бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Болалар учун эллик турга яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришилди. Янги цехга 37 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Ана шу маблағнинг 30 миллион доллари «Нестле» компанияси томонидан ажратилди. Жорий йилда 10 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилади.

Наманган туманининг «Зарбдор» ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Нестле» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг янги ишлаб чиқариш биносини барпо этиш жараёнида ҳозиргача «Агросаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамоаси томонидан 60 миллион сўмлик тупроқ ишлари уддаланди. Мазкур қурилишни якунлаш мажбуриятини Туркиянинг «Айсель» фирмаси бунёдкорлари ўз зиммасига олган. Ушбу қўшма корхонада янги қувватлар ўзлаштирилса, Намангандан ташқари қўшни вилоятлардаги минглаб кичкинтойлар ҳам юқори сифатли сут маҳсулотлари билан таъминланадилар. Энг муҳими, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

РАҲБАР НЕГА ЖАРИМА ТЎЛАДИ?

Республикамизда суд тизимини ислоҳ қилишга жадал киришилди. Ўтган қисқа фурсатда фуқаролик ишлари юзасидан туманлараро ташкил этилган судлов идораларига ишонч ортди. Етарлича назарий, ҳам амалий билимга эга бўлган малакали судьялар ҳар бир ишни қонуний меъёрларга мос равишда ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Фуқаролик судида кўрилган ушбу иш тафсилотлари ҳам юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Умид Эгамбердиев ўрта махсус маълумотни тасдиқловчи ҳужжатни олгач, Қоракўл туман машина трактор паркига иш сўраб келди. Ёш мутахассис корхона маъмуриятининг 86-сонли буйруғига асосан 1997 йилнинг 1 декабридан эътиборан ҳисобчи-хазиначи вазифасида ўз фаолиятини бошлади.

Кўплаб тенгқурлари сингари У.Эгамбердиев ҳам ғайрат кўрсатиб, жамоада ўз ўрни ва мавқеини тиклашга ҳаракат қилди. Билмаганларини сўраб ўрганди. Билганларини эса амалиётга татбиқ этишдан чўчимади. Умр оқар дарё деганларидек, кўз очиб юмгунча меҳнат таътили ҳам етиб келди.

Корхонанинг 10 август 1998 йилдаги 67-сонли буйруғига асосан 1998 йилнинг 7 ноябригача меҳнат таътилида бўлиши керак эди. Аммо айни шу даврда бу ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган «янгиликка» қўл урилди. Бир йил ишлаб-ишламай ёш мутахассис айни таътилдалик чоғида ишдан бўшатилди.

У.Эгамбердиев ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, кўп елиб-югурди. Ҳали у, ҳали бу идора эшигини қоқди. Адолат қарор топишига ишониб, умид, илинж билан яшади. Охири фуқаролик судига мурожаат этишга мажбур бўлди.

— Саъй-ҳаракатларим зое кетмади, - дейди У.Эгамбердиев. — Хайрият, ҳаммасига одил судлов нуқта қўйди.

Ҳа, унинг берган даъво аризаси асосида суд бўлиб ўтган воқеликни атрофлича ўрганиб чиқиб, энг изчил ва адолатли тўхтамга келди. Аниқланишича, корхона раҳбари Н.Қорғдиев «штатинг қисқарди» баҳонасида Умидни узоқ вақт алдаб юрган. Ҳолбуки, ҳеч қандай штат қисқартирилмай, У. Эгамбердиевнинг ўрнига янги ходим ишга қабул қилинган эди. Воқеадан хабар топган аввалги ходим, табиийки, нима сабабдан ишдан бўшатилганини аниқлашга киришган. Қарангки, унга «Сиз меҳнат таътилидан вақтида чиқмаганингиз юзасидан тузилган далолатномага асосан ишдан бўшатилгансиз» деган антиқа жавобни айтишган. Бу, албатта бошлиқнинг уйдирмаси эди. Буни қарангки, раҳбар қонунга зид равишда далолатномани ҳам ёзишга ёзиб қўйиб, унга бош ҳисобчининг имзосини қўйдиришни ҳам унутган. Ғайриқонуний далолатномада 14 январ 2000 йил деб қайд этилганлигига нима дейсиз?

Ана, сизга ёш кадрга нисбатан «ғамхўрлик»!

— Минг бир азоб-уқубатлар чекиб, буйруқдан кўчирма олгач, кўп нарсанинг фаҳмига етдим, - дейди У.Эгамбердиев. — Бироқ то ҳануз бир нарсага ҳеч тушунмайман. Наҳотки баъзи мутасаддилар одамлар аста-секинлик билан бўлса-да ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етаётганини тушунмасалар? Эскича қолипда қачонгача ишлаш мумкин?

Ёшларимиз — етакчи куч. Уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ошмоқда. Имкониятлари ҳам тобора кенгайиб бораётир. Лекин бизни бир нарса ҳайратга солади. Ёш мутахассис ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатилиб, 1 йилу 4 ой қийналиб юрса-ю, ҳеч ким унга мадад қўлини чўзмаса-я!

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 259-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддаларига асосан Қоракўл туман МТП давлат акциядорлик жамияти раиси Н.Қорғдиевдан меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда айбдор бўлган мансабдор шахс сифатида иш берувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида корхона ҳисобига 25000 сўм ундириш лозим деб топилди. Даъвогар У.Эгамбердиевнинг даъвоси қаноатлантирилиб, мажбурий прогул вақти учун 153840 сўм миқдорида моддий зарар ҳамда 25000 минг сўм миқдорида маънавий зарар жамият ҳисобидан ундириб бериладиган бўлди. Шу тариқа ёш мутахассиснинг қатъий хатти-ҳаракатлари ва охир оқибатда ўз ҳақ-ҳуқуқини муносиб ҳимоя қилиши туфайли адолат қарор топди. Бу воқеа кимлар учундир сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Б.ҲАЛИМОВ, судья. У. НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири.

ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Қонунларда тиббиёт ходимлари учун белгиланган иш вақти, умуман иш вақтининг муддати ва иш вақтидан ташқари иш тўғрисида тушунча берсангиз.

Х.АКРОМОВА,
Қибрай тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат ҳуқуқида иш вақти режими дейилганда ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатининг муайян календар даври, яъни сутка, ҳафта, ой ва йил доирасидаги тақсимоти тушунилади. Муассасаларда иш вақтининг режими касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидаси ва иш сменаси жадваллари билан тартибга солинди. Шу сабабли бу ҳужжатлар билан ҳар бир ходим имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт.

Чунки ходим ишга бу ҳужжатларда белгиланган муддатдан кечикиб келса, иш берувчи томонидан ходимга нисбатан бирон-бир интизомий жазо чораси қўллашига ҳеч қандай асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддасига асосан ходим учун иш вақтининг нормал муддати (иш ҳафтасининг беш кунлик ёки олти кунлик бўлишидан қатъи назар) ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунга муассасанинг маъмурий-хўжалик ходимлари (бош ҳисобчи, ҳисобчи, иқтисодчи, ходимлар ишини олиб борувчи мутахассис, боғбон ва бошқалар) киради. Уларнинг иш соатлари ҳар куни ҳисобга олиб борилади.

Агар иш вақтини жамлаб ҳисобга оладиган, яъни сменали ишлар бўладиган бўлса, ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур. Бу ерда Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги томонидан 2000 йил 30 октябр, №2224/03-2, тасдиқланган «2001 йил учун иш вақти ҳисоботи»дан фойдаланмоқ керак. Бу ҳисоботда ҳар ойда иш соати қанча соатни ташкил қилиши кераклиги аниқ кўрсатилган. Масалан: 2001 йил апрел ойида беш кунлик ва қирқ соатлик иш ҳафтасида ишлайдиганларни умумий иш 168 соатни, 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганники 167 соатни ташкил қилади.

Энди тиббиёт ходимларини иш вақтига келсак, биринчидан тиббиёт ходими ким деган саволга жавоб бериш зарур.

Тиббиёт ўрта махсус билим юртини ва институтини битириб, диплом эгаси бўлган ҳамда ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган шахс тиббиёт ходими деб тушунилади.

Тиббиёт ходими учун меҳнат қонунчилигида иш вақти режими бўйича бирмунча имтиёзлар берилган, яъни уларга қисқартирилган иш вақти жорий қилинган. Бу қисқартирилган иш вақти фақат Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ишлаётган тиббиёт ходимлари учун тегишли бўлмай, балки бошқа вазирликлар, бошқармалар ва идораларда (темир йўл, авиация, курортлар бошқармаси ва ҳоказолар) ишлаётган тиббиёт ходимларига ҳам тегишлидир.Бу Меҳнат кодексининг 118-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1998 йил 12 мартдаги қарори билан қонунлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланган.

Агар улар иш вақтини жамлаб ҳисобга олинадиган, яъни сменали ишда ишласалар Ўзбекистон Меҳнат вазирлигининг 2000 йил 30 октябрда, №2224/03-2, тасдиқлаган «2001 йил учун иш вақт ҳисоботи»дан фойдаланмоқ зарур. Масалан, 2001 йилнинг апрел ойида ҳафтасига 36 соатдан ишлайдиганларнинг иш вақти 150 соатдан ошиб кетмаслиги керак.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиганлар учун ҳафтасига 36 соатдан ҳам кам вақт ўрнатилган. Масалан, тиббий-меҳнат эксперт комиссия врачлари, тиш врачлари, рентген аппарати билан бевосита ишловчи ходимлар ва ҳоказолар.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Кўрсатиб ўтилган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган бўлса-да, Меҳнат кодексининг 116-моддаси талабига мувофиқ уларга меҳнатга тўланадиган ҳақ тўлиқ тўланади.

Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Агар иш берувчи томонидан ходимни иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилсаю, лекин ходим ишдан кейин қолиб ишламаса, иш берувчи бу ходимга ҳеч қандай интизомий жазо чораси қўллашга ҳақли эмас.

Меҳнат кодексининг 125 ва 157-моддаларига асосан иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан, меҳнат шароити оғир ва зарарли ишлардаги ходимлар учун бир кунда икки соатдан ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига мувофиқ бу ишлар бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда дам олиш вақти берилади ва камида бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Меҳнат кодексининг 220-моддаси 5-қисми ва 245-моддасида айрим ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишда чеклашлар кўрсатиб ўтилган:

- ногиронлар иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиниши мумкин, қачонки бу тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш умуман тақиқланади.

Иш берувчи умуман, маъмурият томонидан ҳар бир муассаса касаба уюшма қўмитасининг қонунларда белгиланган иш вақтининг тўлиқ таъминланишини, ходимларни қонунга риоя қилинмаган ҳолда иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилинишини, бу ишлар учун компенсация ва ҳақ тўланиши доимо назоратда бўлиши зарур.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ②

— Ҳамидулла ака, кўпчилик жойларда иш йили билан календар йилининг фарқини тушунмасликлари тўғрисида гапириб қолишади. Шу ўринда иш йилига алоҳида таъриф бериб ўтсангиз.

— Календар йилини 1 январдан 31 декабргача бўлган давр деб тушунсак, иш йили деганда ходим бирор-бир ташкилот ёки идорада иш бошлаган кун, яъни дейлик иш йилининг бошланишини 1996 йил 15 ноябр деб олсак, кейинги йилнинг худди шу куни - 1997 йил 15 ноябргача бўлган давр тушунилади. Шунинг учун ҳам меҳнат таътили берилаётганда буйруқ қуйидагича ёзилиши керак:

«1996 йил 15 ноябрдан 1997 йил 15 ноябргача бўлган иш даври учун Ҳасан Эшматовга 24 иш куни ҳисобида шу йил 1999 йил 10 февралдан 1999 йил 15 мартга қадар меҳнат таътили берилсин.

Ҳисобхона Ҳасан Эшматовга меҳнат таътили даврига иш ҳақини ҳисоблаб чиқиб тўласин».

Эътибор берган бўлсангиз, меҳнат таътилининг давомийлигини ҳисоблаб чиқишда умумий дам олиш кунлари, яъни якшанба ва байрам кунларини чиқариб ташладик.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда ходимнинг розилиги билан таътилнинг 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин ҳамда ана шу кейинги йилда ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

— Ходим бир неча йиллаб меҳнат таътилидан фойдаланмаган тақдирда-чи?

— Амалиётда шундай ҳолатларни учратиш мумкинки, ходим ҳатто тўрт-беш йиллаб ўз меҳнат таътилидан фойдаланмайди. Буни авваломбор иш берувчи томонидан йўл қўйилган қўпол хато деб баҳолаш мумкин. Сабаб, иш берувчи ходимларининг меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳар доим назорат қилиб туриши шарт. Ҳар қалай бу унинг вазифаси. Айрим иш бошқарувчилар «ўтиб кетган бир неча йиллик меҳнат таътиллари қуйиб кетади» - деган фикрда бўлишади. Бу нотўғри фикр. Аслида меҳнат таътиллари ҳеч қачон куймайди ва ходим ишлаб турган даврида улардан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотмайди. Бундай вазиятларда ходим ишдан бўшаётган бўлса, унга фойдаланмаган меҳнат таътиллари учун пулли компенсация тўланиши шарт. Қандай асосларда бўлишидан қатъи назар, меҳнат шартномасини бекор қилишда бу тартибга тўла амал қилинади.

— Ҳар бир корхона, идора ёки ташкилотлар ўзининг йиллик жадвалига, яъни локал меъёрий ҳужжатларига эга. Бу локал ҳужжатлар тузилишидан олдин ходимлар ўз меҳнат таътилидан янада унумлироқ фойдаланишлари учун нималарга кўпроқ эътибор беришлари керак деб ўйлайсиз?

— Умуман, йиллик меҳнат таътилларини бериш навбати календар йили бошлангунга қадар ҳар бир корхонада иш берувчи томонидан, яъни шу корхонанинг раҳбари томонидан, касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жадвални тузиш жараёнида, ишлаб чиқаришдаги омиллар, табиий шарт-шароитлар, қолаверса, ходимларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда чуқур ўрганилиб, ҳисоб-китоб қилиниб тузилмоғи лозим. Сабаби, мана шу нарсаларга эътибор бермаслик оқибатида талайгина муаммолар келиб чиқади.

Корхонада қайд этилган жадвал тасдиқлангандан кейин у - локал меъёрий ҳужжат ҳисобланади ва унга амал қилиш эса, ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам бурчи ҳисобланади. Тарафларнинг ўзаро келишувига асосан бу жадвал, яъни локал меъёрий ҳужжатлардан баъзи ҳолларда унга четга чиқишга йўл қўйилади. Дейлик, ходимнинг меҳнат таътили даври март ойига белгиланди. Таътил кунини ана шу ойнинг қайси кунидан бошлаб белгилашни иш берувчи ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Аммо мартнинг қайси кунидан берилишдан қатъи назар, ходим таътил бошланиши ҳақида камида 15 кун олдин огоҳлантирилиши керак ва таътил бошланишидан бир кун олдин унга таътил даври учун иш ҳақи тўланиши шарт. Мана шу қоидаларга риоя этилган тақдирда ходим «меҳнат таътилига чиқмайман» - деб буйруқни инкор этиш ҳуқуқига эга эмас. Бу эса шу тартибда иш берувчи ходимни мажбурлаб бўлса ҳам таътилга чиқаришга ҳақли эканлигини билдиради. Мажбурий таътилга чиқаришдан қуйидаги ходимлар истиснодирлар:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёки онага, бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- I-II гуруҳ ногиронларига;
- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таътил муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (250 модда);
- жамоа шартномаси келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда. Яъни, бу ходимлар ўз хоҳишларига қараб ёзда ёки ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтда таътил олишлари мумкин.
- Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

— Дейлик, ходим таътил даврида касал бўлиб қолди. Хўш, бундай вазиятларда таътилдан фойдаланиш тартиби қандай бўлади?

— Ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсиз даврида;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;
- йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;
- давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланиш даврида унга тўсқинлик қилаётган сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, бу меҳнат таътили ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

— Таътилларни қисмларга бўлиш; ходимни таътилдан чақириб олиш тартиби ҳақида ҳам сўз юритсак.

— Меҳнат кодексининг 146-147-моддалари бу масалани ойдинлаштиради, уларда кўрсатилишича, ходим ўз хоҳишига биноан таътилдан қисмларга бўлиб фойдаланишга ҳақлидир. Бунинг учун у иш берувчига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиши шарт. Иш берувчи эса ходимнинг бу талабини қаноатлантирмаслиги мумкин эмас. Шуни унутмаслик керакки, таътилни қисмларга бўлганда, унинг бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Келинг, яхшиси фикримизни янада аниқроқ ифодалаш учун уни мисолларда кўриб чиқсак; дейлик таътилнинг умумий давомийлиги 24 иш кунидан иборат, ходим эса унинг бир қисмидан фойдаланмоқчи. Бундай шароитда ходим 24 куннинг 12 кунидан тўла фойдаланиши шарт. Негаки, ана шу 12 қисмларга бўлинмайди. Қолган 12 куни эса, хоҳлаганча қисмларга бўлиниши мумкин. Ходим ўз хоҳишига кўра бўлинмайдиган 12 кунлик меҳнат таътилидан таътил даврининг бошида, ўртасида ёки охирида фойдаланишни ўзи ҳал қилади. Сабаб, ундан қайси пайтда фойдаланса ҳам бунга унинг тўла ҳуқуқи бор.

Тўғри, таътилдан бундай тартибда фойдаланиш баъзи ўринда иш берувчи учун ноқулай вазият келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бу ходимга қонун томонидан берилган ҳуқуқдир.

Таътилдан чақириб олишга келсак, ходим ўзининг розилиги билан таътилнинг истеъмоли даврида ишга чақириб олиниши мумкин. Агар ходим бунга рози бўлмаса, уни мажбурлашга ва бунинг учун интизомий жазо қўллашга йўл қўйилмайди. Ишга чақириб олинган ходимнинг фойдаланилмай қолган кунлари эса мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши керак ёки биз юқорида айтиб ўтган қоидаларимизга риоя қилган ҳолда кейинги иш йилининг таътилига қўшиб берилиши лозим.

— Амалиётда «таътилдан қачон чақириб олиш мумкин? Бунинг учун таътилнинг уч куни ёки беш куни ўтган бўлиши шартми?» - деган саволларга дуч келамиз.

— Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, агар ходим рози бўлса, таътил даврининг хоҳлаган кунида ишга чақириб олиниши мумкин. Фақат таътил бошланишининг биринчи кунидан чақирилса, бу таътилдан чақириб олиш ҳисобланмайди. Фараз қилайлик: буйруқ 1999 йил 7 мартда берилди, унда кўрсатилишича, таътил шу йилнинг 15 март куни бошланиши керак. 15 мартда иш куни бошлангандан кейин орадан 2-3 соат ўтгач, ходимни чақириб олиш учун зарурат туғилди ва бунга ходим эътироз билдирмади. Бу ҳолат эса ходимни таътилдан чақириб олиш, деб тан олинмайди. Чунки, таътил деярли бошланмаган. Бу ўринда иш берувчи ўзининг 1999 йил 1 мартда таътил бериш тўғрисидаги чиқарган буйруғини юридик кучга кирмади, деб бекор қилиши ҳам мумкин. Аммо бундай ҳолатларда таътилнинг қачон берилиши ходим билан келишилган ҳолда таътил ҳадвалига тегишли ўзгартириш киритилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Амалиётда муаммоли бўлиб келаётган масалалардан яна бири бу таътилдан чақириб олингандан кейинги тўланадиган ҳақ ва ходимга меҳнат таътили даврига олдиндан бериладиган ҳақ борасида саволлар мавжуд.

Қоидага биноан таътилдан чақириб олинган ходим таътил даврида олган иш ҳақидан фойдаланмай қолган кунларининг пулини шу корхона ғазнасига қайтариб бериши керак. Шундан кейин, ходим ҳақиқатда ишлаган кунларига табел бўйича ҳақ олади ва пировардида фойдаланилмаган таътил кунларига иш ҳақи ҳисобидан ҳақ берилади. Бироқ, жойларда бўлганимизда, амалиётда бошқача йўл тутилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни, меҳнат таътилидан чақириб олинган ходим фойдаланилмай қолмай таътил кунларининг ҳақини қайтариб бермайди.

Чақириб олингандан кейин ҳақиқий ишлаган кунлари учун иш ҳақи олади-да, ана шу фойдаланилмаган таътил кунлари кейинчалик ҳақ тўланмасдан «отгул» сифатида берилади. Ёки аксинча. Айтиш керакки, мана шу ҳар иккала ҳолатда ҳам ходим моддий зарар кўриб қолиши мумкин. Чунки, ходимнинг фойдаланилмаган таътили бошқа вақтда берилаётганда, иш ҳақи оширилса, унга янгитдан ҳисоб қилинмаганлиги учун мана шу оширилган маош ҳисобга кирмай қолади.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

СУД ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Конституциямиздан, шунингдек, суд тизимининг фаолиятига боғлиқ яна бир қанча муҳим қоидалар ҳам ўрин олган. Шулар жумласидан ҳеч кимнинг суд қарорисиз ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслиги (19-модда), мулкий ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимояланиши (53-модда), жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши (62-модда) кабилар алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар суд ҳокимияти жазоловчи эмас, балки ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган эканлигини яққол намойиш этади.

Суд тизимининг ташкил этилиши ва фаолиятига оид барча муҳим масалалар 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда, 2000 йил 16 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунда, шунингдек, Фуқаровий, Хўжалик ва Жиноий-Процессуал кодексларида батафсил баён этилган. Инсонпарварлик, демократия, барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги, тортишув, айбсизлик презумпцияси каби одилона фаолият асослари судларнинг салоҳияти юқори бўлишига хизмат қилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий қонунларимиздаги ҳар бир қоида халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон Декларацияси (1946 йил), Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт (1966 йил) ва Судларнинг мустақиллигига оид асосий тамойиллар (1985 йил) давлатимиз қонунларида деярли тўла акс эттирилган.

Конституциямизга биноан суд тизими уч тармоқдан иборат: Конституциявий суд (108-109-моддалар), Олий суд (110-модда) ва Олий хўжалик суди (111-модда).

Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг чиқарган ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган ягона суддир. Унинг Раиси, Раис ўринбосари ва аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдими билан Олий Мажлис беш йил муддатга сайлайди. Конституциявий суднинг асосий ваколатлари Конституция билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди фуқаровий, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юритиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У барча умумий судларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради. Худди шундай ваколат хўжалик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судига ҳам тааллуқлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Жўқорғи Кенгес томонидан сайланади, Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро ва туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судларнинг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Бу тартиб судларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тайинлаш ва бевосита аҳоли томонидан сайлаш усулларидан афзал. Аксарият мамлакатларда ҳам қуйи судьяларни президент тайинлайди. Кўп мамлакатларда судьялар умрбод сайланади. Лекин биринчи марта судья уч-беш йил муҳлатга сайланиб, иккинчи мартасида умрбод сайланиши маъқулроқдир.

Судларни ихтисослаштириш имкониятларини ҳисобга олиб, 2001 йилдан бошлаб фуқаровий ишлар бўйича жойларда алоҳида суд тизими барпо этилди. Келажакда бошқа тоифадаги ишлар бўйича ҳам судларнинг ихтисослаштирилиши, менимча, самарали бўлур эди.

Суд фаолияти, ишларни кўриб ҳал қилиш тартиби ҳам муттасил равишда ислоҳ этилмоқда. Жумладан, суд ҳукми ва қарорларининг асослилигини ва қонунийлигини текшириш ҳозиргача кассация ва назорат тартибида амалга оширилар эди. 2001 йил бошидан жиноят ишлари бўйича апелляция тартиби ҳам ўрнатилди. Бу суд ишларини қайта терговга ва қуйи судларга юбориш ҳолларини камайтиришга имкон яратди.

Судларнинг фаолиятини ташкилий таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги қарори билан Адлия вазирлиги таркибида махсус Департамент тузилди. У судларни ташкил этиш, судьяликка номзодлар тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни ижтимоий муҳофазалаш, молиявий, моддий-техникавий таъминлаш учун масъулдир.

Судларнинг мавқеини кўтариш муҳим вазифа. **Президентимиз Ислом Каримов уқтирганидек, одамлар ўртасида, инсон ва давлат ўртасида аввало низолар бўлмасин, агар низо юз берар экан, у суд орқали бартараф этилиши шарт. Инсон ҳуқуқларини, манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тартиби тобора кенгайтирила бориши лозим.**

Ф.АБДУМАЖИДОВ,
профессор.

«КАСАБА УЮШМАСИ ВА ҲАЁТ»

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси хайрли ишга қўл урди. Жорий йилдан бошлаб ҳар уч ойда «Касаба уюшмаси ва ҳаёт» деб номланган рисола чоп этиб келинмоқда. Унинг саҳифаларида энг оммавий жамоат ташкилоти фаоллари кундалик ишларида асқотадиган ижтимоий ҳимоя масалалари, тармоқ янгиликлари, марказий қўмита раёсат қарорлари мунтазам ёритиб борилмоқда.

Шунингдек, жамоа шартномаларини тузишдаги долзарб масала-муаммолар ечими, меҳнат хавфсизлигига риоя этиш, меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятлар билан ишлаш юзасидан бериладиган йўл-йўриқлар, илғор тажрибалар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Н.РАФИҚОВ.

Шарқ гўзалларига шарқона либослар ярашади.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Маънавият сарчашмалари

«АВЕСТО» БАҒРИКЕНГЛИК ҲАҚИДА

Бағрикенглик — дили очиқ, сермулоҳаза, феъл-атвори босиқ, вазмин, кечиримли инсонларга насиб этган фазилат. Бундай одамлар энг аввало саховатпеша бўладилар, ўзгалар ишқида ёниб, элимга, элдошларимга бўлсин деб елиб-югурадилар. Донишмандлардан бири «Бошқаларга шодлик ато этиш - энг ноёб шодликдир», деб улуғласа, «Яхшилик қилиш юксаклик сари ташланган қадамдир» - дейди бошқаси.

«Ўзбек халқи, — дейди Йўлбошчимиз Ислом Каримов, — азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг хурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз». Халқимизга берилган муносиб баҳонинг мағзини чақиш жараёнида «Авесто»даги бағрикенглик, аждодларимизнинг юксак одамгарчилиги кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Мана, эътибор беринг, «Авесто»да бағри кенглик мадҳ этилаяпти.

Зардушт Аҳура Маздадан (олий илоҳ) сўради:

«Эй Аҳура-Мазда! Эй оламлар нури! Эй яхшилик дунёсининг яратгувчиси! Эй Ашаван! (Ҳақликнинг, ростликнинг издоши).

Сен Аҳура-Маздасан, Мен — Зардуштман.

Сўйла-чи, мендан бошқа одамлар ичидан яна кимдан ҳол-аҳвол сўрадинг? Кимга Аҳура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

— Эй Ашаван Зардушт!

Мен Аҳура-Мазда, сен - Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қуёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан («гўзал» маъносини англатиб, ярим Худо, Ярим Одам) ҳол сўрдим ҳамда Аҳура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим.

— Эй Зардушт!

Мен Аҳура-Мазда, унга дедим:

«Қулоқ сол, Эй Вайвангҳонинг ўғли, қуёш юзли Жам!

Сен жаҳонда менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элтувчи бўл!»

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

«Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ элтгувчи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим!» Оламни яратган, барча жонлию жонсизларнинг эгасига бундай кўрс жавоб уни ранжитиши шубҳасиз эди. Аммо Олий Илоҳ шундай қалтис пайтда ҳам, бағрикенглик қилиб, муруввати аямади. Қуёш юзли Жам барибир Аҳура-Маздани ишончли ёрдамчиси ва шаҳриёри бўлиб қолаверди.

Аждодларимизнинг илоҳий китобидаги калималар уларнинг Парвардигорига бўлган эътиқодини янада мустаҳкамлаб, ибодат қилувчиларни бағрикенглик руҳида тарбиялаган. Тангрининг бағрикенглигидан бандалари роҳатланганлар, орзу-умидлари ушалиб, шукроналик ҳолатлари мавжланган. Оллоҳнинг бандаларига кўрсатаётган бағрикенглигини билиш, англаш ҳам ақллиликдир.

Одамзот пайдо бўлибдики, ҳамиша яшаш учун кураш унинг қисмати бўлган. Табиатнинг қийинчиликлари дамба-дам синовдан ўтказган. Иложсиз қолган пайтларда Яратганга сиғиниб нажот сўраган. Шундай пайтларда Тангри ўзининг беназир неъматлари билан одамларни сийлаган. Бу мурувват «Авесто»да шундай тасвирланади:

«Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар заминдан жой тополмади.

Шундай ҳам ёруғлик сари, Жанубга томон қуёш кенгликларига йўл солди ва заминга заррин «сувро» (олий илоҳ томонидан Жамга тақдим этилган Мухр) воситасида ҳаво пуркади, зарнишон «аштра» қамчини (Олий илоҳ тақдим этган) билан савалади-да, шундай деди:

— Эй Спандармоз (Замин илоҳи)!

Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар сени кўрсинлар!»

Шундан сўнг, Жам ер юзига бир одим кенглик бахш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одам келишди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни Ватан тутишди».

Ҳа, Тангрининг бандаларига қилган яхшиликлари кўп, адоғи кўринмайди. Бағрикенгликни олий даражада англайдиган ҳам, унга амал қиладиган ҳам Парвардигордир. Сахийларнинг сахийси ҳам Эгамдир. Унинг муруввати бандаларига шунчалик серобки, санашнинг иложи йўқ, беҳисобдир. «Авесто»да Олий илоҳ — Аҳура-Мазданинг бағрикенглиги ҳақида мисоллар жуда кўп, аммо улар бир-бирини тўлдириб, янги-янги қирраларини очаверади. Бу эса аждодларимизнинг тафаккуридан, ақли донишлигидан нишонадир:

«Ким Аҳура - Мазда унга макон тикди,
Чўнг қояли Хара (Памир - Ҳиндикуш),
Силсилали ҳам мунаввар
У ерда йўқ зулумат, тун,
На совуқ, на жазирама,
На марговар беморликлар,
На дев - жинлар кирдикори —
Ёмонликлар,
На чанг-тўзон, туманлар ҳеч
Юксак Харати устига кўтарилмас
Барҳаёт валийлар бунёд этдилар
Бу улуғ маконни.
Башорат ва эътиқод учун
Бус - бутун Хуршиди жаҳонни, —
Юксак Хара узра Митра (илоҳ)
Кузатар даҳри дунёни.

Дарҳақиқат, Илоҳнинг бунёдкорлигини, яратувчанлигини сезиш ҳам доноликдир.

Олий илоҳ Аҳура-Мазда яратган эзгулик илоҳлари еттита бўлиб, бағрикенглик бобида бир-бирига камарбаста, бир-бирига эш, бир-бирини қўллашда беназир бўлган. «Авесто»да уларнинг раҳнамолиги, садоқати шундай тасвирланган:

Етти нафар бир фикрлилар,
Етти нафар бир овозлилар,
Етти нафар ҳукмбардорлар,
Бир фикрли, бир сўзлилар,
Бир амалли, бир амаллилар,
Бир отадан ва бир онадан
Ва биргина сарбони ўша —
Яратгувчи Аҳура - Мазда.
Бир-бировин қалбларини
Кўргувчи улар,
Эзгу фикрат хаёлида,
Эзгу амал хаёлида
Олқиш уйи хаёлида
Ёруғ йўллар аро еларкан
Мангуликка элтгувчи фуруғ.
Аҳура — Мазданинг ижоди
Улар — асл Яратгувчилар,
Бунёдкорлар, асрагувчилар,
Ҳомийлар ва ҳимояткорлар.
Улар хоҳиш - иродаси билан
Мавжудотни ҳаётга чорлар,
Мангуликка, безаволликка,
Хазон билмас, чиримас абад
Тирикликни бошқарадилар...
... Фақирларни боқишар улар
Сиғинаман бахт — шодлик ҳаққи...

Ҳа, инсоний фазилатнинг гултожи ҳисобланмиш бағрикенглик «Авесто»да маҳорат билан тараннум этилади. Бу ҳикматли битиклар инсониятни маънавий етуклик сари бошловчи эзгу сўзлардир. Улар эса мангу барҳаёт.

Мусоқул УСМОНОВ,
профессор.

Касаба уюшма спорти

Тошкент вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Оққўрғон туман спорт қўмитаси ташаббуси билан «Оналар ва болалар йили»га бағишланган хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди.

«БАРЧИНОЙ» АЁЛЛАРНИ БАҲСГА ЧОРЛАДИ

Унда тумандаги қишлоқ хўжалиги тармоғига тегишли 12 та, тиббиёт ва банк соҳаси меҳнаткашларининг 2 та жамоаси вакиллари иштирок этдилар.

Мусобақа иштирокчилари сартакиада дастуридан ўрин олган волейбол, оналар ва болалар оилавий мусобақаси, шахмат, шашка, «Барчиной» кўпкураши, стол тенниси спорт турлари бўйича куч синашдилар.

Умумжамоа ҳисобида Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги жамоаси пешқадамлик қилди. Иккинчи ўрин «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги вакилларига, учинчи ўрин эса «Маданият»ликларга насиб этди.

«Барчиной» кўпкураши бўйича қизғин ўтган беллашувларда ҳам 44 ёшгача бўлган аёллар ўртасида Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги спортчилари биринчиликни қўлга киритдилар.

39 ёшгача бўлган аёллар баҳсларида «Қамқа» жамоа хўжалиги, 23 ёшдан 29 ёшгача бўлган аёллар мусобақасида «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги вакилларига омад кулиб боқди.

Ғолибларга Оққўрғон туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамда касаба уюшмалари томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Улар август ойида бўлиб ўтадиган вилоят финал мусобақаларига йўлланма олдилар.

М. ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

БАДИЙ КЎРГАЗМА

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Словакия республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси Самарқанд Давлат бирлашган тарихий меъморий бадиий қўриқхонасида машҳур Словакия график-рассоми Душан Қалай асарлари кўргазмасини ташкил этди.

— Бундай кўргазма Самарқандда биринчи марта ўтказилаётганлигини алоҳида эътироф этиш керак, - дейди Словакия республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлари вакили жаноб Петер Юза. Мазкур кўргазмага муаллифнинг 40 дан зиёд асарлари қўйилган.

БАХШИ ШОИРЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Унда 10 ёшли Дилшод Ҳамроев ғолиб чиқди

Китоб туманида «Алпомиш - бокий асар» мавзусида ёш бахши шоирларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси, республика Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган кўрик-танлов халқ оғзаки ижодиёти нақадар кенг қиррали эканлигини намойиш этди.

Миллий қадриятлар байрамида «Алпомиш» достонидан ва халқ термаларидан парчалар ижро этган самарқандлик Дилшод Ҳамроев танловнинг бош мукофоти «Умид» совринини олишга сазовор бўлди. Деҳқонободлик Абдумурод Қаҳҳоров ва қорақалпоғистонлик Бахбергин Сиримбетовлар фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

ЁЛҚИН.

Тож талабгорлари

У 5 ёшидаёқ бир йўла ўйин сеанслари, намунали партиялар ўтказарди. Кўпни кўрган Рубенштейн билан Сальве Самуэл ўзидан анча катта рақибларини нақадар осонлик билан ютаётганини кўриб ёқа ушлайдилар.

РЕШЕВСКИЙ

Кейин «Европани тобе этиш» бошланди: Берлин, Вена, Париж, Лондон... Решевский ҳақида газеталарда ёзишар, унинг портретлари машҳур артистлар, сиёсий арбоблар билан ёнма-ён қўйиларди. Олимлар: психиатр, физиологлар шахматда ғоят истеъдодли бўлган бу болага қизиқиб қолдилар. Улар ҳамма болалар қандай бўлса, у ҳам шундай, лекин шахмат қобилияти жуда зўр деган хулосага келадилар.

1920 йилда Решевскийлар оиласи Нью-Йоркка кўчиб келади. Бу ерда Решевский яна бир йўла ўйин сеанслари ўтказишга киришади. Намунали партиялар кўрсата бошлайди. Уни фақат мумтозлар кира оладиган Голливудда қабул қиладилар. Америкалик томошабинлар арзандаси Чарли Чаплин билан шахмат ўйнаб турган ҳолда суратга оладилар. Бироқ, кунларнинг бирида буларнинг барчасига чек қўйилади: Оила аъзолари Сами ўқиши керак, деган қарорга келадилар.

У мактабда ўқийди, лекин катта иштиёқ билдирмайди. Ҳар қанча қаршиликлар бўлмасин шахматни ташламади. Турнирдан-турнирга ўсиб борди. У 1924 йилги Ғарбий штатлар чемпионатида бешинчи ўринни олади, 1927 йилда юқорироққа кўтарилади, 1931 йилда эса биринчи бўлади.

Чамаси, ўзини халқаро турнирда синаб кўриш пайти келган эди. Бундай имконият келаси йилга тўғри келади. У Пасадепга учинчи-бешинчи ўринларни баҳам кўрди. Яна икки йилдан сўнг эса унга дастлабки йирик муваффақият насиб этди. Энг кучли америкалик мастерларнинг мусобақасида Решевский биринчи совринни олиб шахмат соҳасида камолотга эришди.

Асли польшалик бу йигит вақт-соати келиб яна Европани тусаб қолди. Дарвоқе, у бу қитъани ўзига катта умид боғлаган болалик чоғида тарк этган эди. Ҳозир эса у мастер, Американинг энг кучли шахматчиларидан бири. Бир вақтлар истеъдодидан завқланган эски дунё энди уни қандай кутиб оларкин? Бунда ҳам унга муваффақият ёр бўлди: Маргот ва Ярмутда биринчи совринларни олди.

1936 йил. Ноттингем, таркиби жиҳатидан 1895 йилги Гастингс турнирига тенг кела оладиган бу турнир ўша даврнинг энг кучли шахматчиларини тўплади. Бу ерда жаҳон чемпиони М.Эйвэ, жаҳон экс чемпионлари Ласкер, Капабланка, Алёхинлар бор эди. Унда Решевский ҳам қатнашди. У етти партияни ютди, бештасини дуранг қилди ва иккитасини ютқазди. Натижада ғолиблар — Ботвинник билан Капабланкадан ярим очко ортда қолган ҳолда 3-5-ўринни баҳам кўришди. У яққол ифодаланган услубга эга эмас эди. Решевский позициявий ва манёврли кураш санъатини бир хилда яхши эгаллаган бўлиб, ҳимояланишнинг жуда ҳадисини олганди. Яширин тактикавий имкониятларга эга позицияларда айниқса хавфли эди.

Ноттингемдан кейин Кепяри, Земмеринг, Боден, Гастингсда муваффақиятларга эришди. Жаҳон чемпиони Алёхин ва етти нафар тож талабгорлари ўртасидаги АВРО турнирида эса Решевский 4-6-ўринларни баҳам кўрди. 27 ёшида умумжаҳон эътирофига сазовор бўлиб, шахмат тожига талабгорлар сафига кирди.

1948 йил янги жаҳон чемпионини аниқлаш учун Гаагага шахмат тахтига талабгор беш киши тўпланган бўлиб, улар орасида Решевский ҳам бор эди. Бу унинг энг катта имконияти эди, бироқ Ботвинник ғолиб чиқди. Иккинчи ўрин Смисловга насиб этади.

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Божхона бекати

ТУХУМ ИЧИДАГИ ОҒУ

267-Душанбе-Конибодом йўловчи поезди «Сариосиё» станциясида тўхтади. Сурхондарё вилоят божхона бошқармасига қарашли 3-сонли «Сариосиё» темир йўл ташки иқтисодий фаолият божхона маскани ходимлари хизмат вазифаларини ўташга киришдилар.

Йўловчилар юкини кўздан кечириш жараёнида 6-вагонда келаётган тожикистонлик Юнус Ялкаповнинг ғайриқонуний ҳаракатига чек қўйилди. Целлофан халтадаги олмалар ичига 245 грамм героин гиёҳванд моддаси жойлаштирилган эди. Олмалар кесилиб, усти елимланган ҳолда киши эътиборини тортмайдиган даражада қайта беркитилган бўлса-да, зийрак божхоначиларга йўловчи Юнус Ялкаповнинг бу «ҳунар»и ўтмади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари орасига гиёҳванд моддасини яшириб ўтишда Сайдулло Ёров ҳам устаси фаранглардан чиқиб қолди. Унинг қўл юклари кўздан кечирилаётганида ўзини ноқулай ҳис этаётганлиги божхоначилар шубҳасини янада оширди. Ўзи билан олиб келаётган 18 дона тухум кўздан кечирилаётганида унинг 12 таси ичидан героин гиёҳванд моддаси топилди. Ҳойнахой Тожикистон фуқароси божхоначиларимизнинг бунчалик зийраклигини ҳисобга олмаган бўлса керак. Жами 413 грамм оғу мусодара этилди. Ҳар иккала ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

— Рамазон Йўлдошевнинг ҳам найранги ўтмади, — дейди божхона пости смена бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Рўзибой Мансуров. — Унинг республикамиздан ташқарига товар моддий бойликларни олиб чиқиб кетишга бўлган уринишининг олди олинди. Юк вагонлари орасига яшириб қўйилган ва Тожикистон Республикасига олиб ўтилаётган 2 тонна дизел ёқилғиси ушлаб қолинди.

Республиканинг жанубий сарҳади бўлган Сурхондарё вилояти божхоначиларининг шу йилнинг 1 майигача амалга оширган ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Товар моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ёхуд турли ноқонуний йўллар билан олиб киришга уринишлар илдизига болта урилди. 4 ой давомида гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтишга уринган 18 та ҳолат аниқланиб, 6 килограммдан ортиқ героин моддаси олиб қўйилди. Товар моддий бойликларини четга олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш бўйича 71 та ҳолат аниқланиб, катта миқдордаги моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Суратда: божхоначилар навбатдаги юк вагонини кўздан кечирмоқда.

Қарши медицина билим юрти томонидан 1977 йилда Хайитова Зувайда Раззоковна номига берилган Я-1 №330160 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ишонч» газетаси жамоаси Сирдарё вилояти бўйича мухбир Нурилла Шамсиевга синглиси

МАРҲАБОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Н.Турғуновга онаси

Салима БЕГИШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6